



## "ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ"

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси  
ўқитувчиси, майор

Хасанов Абдоржон Акбар ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги  
таълим Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти  
иҳтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 209-  
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14945907>

### ARTICLE INFO

Received: 17th February 2025

Accepted: 18th February 2025

Published: 28th February 2025

#### KEYWORDS

Жамоат хавфсизлиги департаменти, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ижтимоий хавфсизлик, ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, такомиллаштириш, ҳамкорлик, технологияларни жорий этиш, ижтимоий механизмлар, ташкилий ишлар.

### ABSTRACT

Мақолада Жамоат хавфсизлиги департаментининг хуқуқбузарликларнинг олдини олиш (профилактика) бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Тадқиқотда хуқуқбузарликларнинг сабаблари, уларнинг олдини олишнинг замонавий усуллари ва департаментнинг бу соҳадаги ишини яхшилаш йўллари кўриб чиқилган. Мақолада профилактика фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун янги технологияларни жорий этиш, ҳамкорликни кучайтириш ва фаолият бўйича таклифлар баён қилинган. Натижалар департаментнинг хуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги ижтимоий ва ташкилий механизмларни такомиллаштиришга йўналтирилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрлари учун» деган устувор ғоя асосид ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрлари учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклагоқда.

Жамоат хавфсизлиги – мамлакат тараққиёти ва аҳолининг фаровонлиги учун муҳим омил ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқаролар хавфсизлигини мустаҳкамлаш давлат органлари олдидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу мақсадда, 2021 йил 29 ноябрда Президент томонидан "Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"<sup>1</sup>ги ПФ-27-сонли Фармон имзоланди.

Мазкур концепция жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича замонавий ёндашувларни жорий этиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамият ўртасида самарали ҳамкорлик механизмларини ривожлантиришни назарда тутди. Ушбу мақолада Жамоат хавфсизлиги департаментининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолияти, уни такомиллаштириш йўллари ва мазкур концепциянинг аҳамияти таҳлил қилинади.

Жамоат хавфсизлиги департаменти – бу давлатнинг ижтимоий тўғрилиқ ва хавфсизликни таъминлашда асосий вазифани ўтаётган муҳим ташкилотдир. Департаментнинг асосий мақсади – фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, жамиятда тўғрилиқ ва интизомни сақлаб қолиш орқали ижтимоий барқарорликка хизмат қилишдир. Ҳар бир давлатда Жамоат хавфсизлиги департаментининг фаолияти жамиятнинг рухий ва моддий хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш – бу Жамоат хавфсизлиги департаментининг асосий вазифаларидан биридир. Профилактика фаолиятининг самарадорлиги жамиятдаги ноаникликни камайтириш, фуқароларнинг хавфсизликка ишончини ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш орқали ижтимоий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган. Бугунги кунда жамоат хавфсизлигини таъминлашда янги технологияларни жорий этиш, жамоат билан ҳамкорликни кучаутириш ва кадрларни малакали тайёрлаш каби муҳим чораларни амалга ошириш зарур.

Хусусан, мамлакатимиздаги барча маҳаллалар криминоген вазиятга қараб ўрта тоифага, яъни "кизил" "сарик" ва "яшил" тоифаларга ажратилди.

Жиноятчилик сабабларини илмий ёндашув асосида аниқлаш ва бартараф этиш учун энг оғир маҳаллалар идоравий олий укув юртларига (ИИВ Академияси, Бош прокуратура Академияси, Жамоат хавфсизлиги университети) бириктирилди. Шунингдек, нисбатан кўп жиноятлар содир этилаётган маҳаллаларда "Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскан"лари ташкил этилиб, профилактика катта инспекторларининг терговчи, тезкор вакил ва Миллий гвардия ходимлари билан биргаликдаги фаолияти йўлга қуйилди.

Ўз навбатида, 2021 йилдан бошлаб, вилоят ва туман-шаҳар ҳокимлари ҳар ойда профилактика инспекторлари билан шахсан учрашиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиб бориш амалиёти йўлга қуйилди. Бунинг доирасида, ўтган давр мобайнида ҳокимлар томонидан профилактика инспекторларига компьютер ва моддий-техник таъминотини яхшилаш учун маблағлар ажратилди, таянч пунктлари янгитдан қурилди ва таъмирлаб берилди. Бу эса, профилактика инспектори томонидан узининг кўнлик вазифаларини бевосита маҳаллада тулақонли амалга ошириш учун шароит яратмоқда.

Шунингдек, жиноят ва ходисалар ҳақидаги ариза ва хабарларни республиканинг барча ҳудудларида "102" тизими орқали автоматлаштирилган тарзда қабул қилиниши

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги « Ўзбекистон республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сонли Фармони \\<https://lex.uz/uz/docs/5749291>

таъминланди. Бунда, инсон аралашувисиз барча ариза ва хабарларни кайд этиш, ҳар бири буйича барча тергов-тезкор ҳаракатларни дарҳол амалга ошириш тизими йулга куйилди.

Натижада, аввал турли майда ҳолат (телефон, велосипед бошка киммат булмаган буюмлар йуқолиши, кучадаги жанжал каби) буйича хабар бермаганлар ҳам эндиликда ички ишлар органларига мурожаат қилмоқда ва ҳар бири синчковлаб текширилиб, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи ишончли ҳимоя қилинмоқда.

Жамоат ҳавфсизлиги департаментининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги асосий вазифалари<sup>2</sup>га тўхталсак:

ички ишлар органлари жамоат ҳавфсизлиги бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш ҳамда уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этиш, жамоат жойларида аҳолининг ҳавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари куч ва воситаларини самарали бошқариш чораларини кўриш;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш;

воёга етмаганлар ва ёшлар, айниқса уларнинг уюшмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш, транспорт воситасини бошқаришга доир чекловларга риоя этилишини назорат қилиш;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларнинг ҳуқуқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Департамент Стратегия, «Йўл харитаси» ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган мамлакатда жамоат ҳавфсизлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар дастурларининг амалга оширилиши доирасида:

мунтазам мониторинг олиб бориб, белгиланган чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича таклиф ва тавсияларни тегишли давлат органларига киритади;

жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасида эришилган натижалар ва аниқ кўрсаткичлар акс эттирилган батафсил ахборотни доимий равишда кенг жамоатчиликка етказиб боради;

ҳар чоракда умумлаштирилган ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига киритади ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳавфсизлик кенгаши муҳокамасига тақдим қилади.

Шунингдек, Фармонга асосан белгиландики:

Республикада жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда ваколатли идораларнинг ҳаракатларини умумий мувофиқлаштириш вазифаси Департамент зиммасига юклатилади ҳамда унинг қошида ягона идоралараро бошқарув штаби ташкил этилади;

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон республикаси жамоат ҳавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сонли Фармони \\<https://lex.uz/uz/docs/5749291>

Департамент бошлиғи ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган жамоат хавфсизлигини таъминлаш тадбирларининг ягона мувофиқлаштирувчиси ҳисобланади;

Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари таркибига жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва пробация хизматлари киритилади.

Ички ишлар вазирлиги:

ички ишлар органлари профилактика ва пробация инспекторлари, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимларининг фаолиятини баҳолаш тартибини танқидий қайта кўриб чиқсин ва самарадорлик индикаторларини ўз ичига олувчи рейтинг тизимини жорий этиши белгиланди.

Жамоат хавфсизлиги концепцияси доирасида ЖХД қуйидаги йўналишларда иш олиб боради:

**биринчи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чоралар**

- Жиноятчиликка мойил бўлган ҳудудларни таҳлил қилиш ва жиноятлар профилактикасини кучайтириш.
- Жамоат жойларида хавфсизликни таъминлаш учун интеллектуал назорат тизимларини жорий этиш.
- Ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва омилларини аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш.

**иккинчи. Давлат ва жамоатчилик ҳамкорлиги**

- Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқбузарликларга қарши жамоавий иммунитет ҳосил қилиш.
- Маҳалла фаоллари, таълим муассасалари ва ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда профилактика тадбирларини ўтказиш.
- Жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш, жамоатчилик вакилларини ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда иштирокини кенгайтириш.

**учинчи. Технологик ёндашувлардан фойдаланиш**

- Интеллектуал камералар, видеокузатув тизимлари ва электрон хавфсизлик чораларини жорий этиш.
- Жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун сунъий интеллект ва катта маълумотлар таҳлилданидан фойдаланиш.
- Ҳуқуқбузарликларни тезкор аниқлаш ва уларга қарши курашиш мақсадида рақамли платформалар ва мобил иловалардан фойдаланиш.

---

**Жамоат хавфсизлиги концепциясининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги аҳамияти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида"ги фармони билан тасдиқланган концепция ҳуқуқбузарликлар профилактикасини янги босқичга олиб чиқиш учун ҳуқуқий ва ташкилий асосларни белгилаб берди. Ушбу ҳужжат қуйидаги муҳим мақсад ва вазифаларни ўз ичига олади:

- ✓ Фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда жамоат институтларининг ролини кучайтириш;
- ✓ Қонунчиликни такомиллаштириш орқали профилактика механизмларини ривожлантириш;
- ✓ Тезкор ахборот алмашинувини таъминлаш учун давлат органлари ўртасида ҳамкорликни ошириш;

- ✓ Инновацион технологияларни қўллаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш:
- ✓ Жамоат хавфсизлиги масалаларида давлат ва жамият ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш

### **Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар:**

Жамоат хавфсизлиги концепциясини самарали амалга ошириш учун қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

#### **1 Инновацион технологиялардан фойдаланиш**

- Жиноят таҳдидларини олдиндан аниқлаш учун рақамли таҳлил воситаларини ривожлантириш.
- Фуқароларга қулай мобил илова ва онлайн платформаларни жорий этиш.

#### **2 Маҳалла ва жамоатчилик билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш**

- Ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда маҳалла фаоллари ва волонтерлар ҳаракатларини кучайтириш.
- Жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш ва фуқароларни хавфсизлик жараёнларига жалб қилиш.

#### **3 Қонунчилик базасини такомиллаштириш**

- Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтиришга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
- Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

#### **4 Таълим ва тарғибот ишларини кучайтириш**

- Ҳуқуқий маданиятни ошириш учун ўқув муассасаларида махсус курслар ташкил этиш.
- Оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақида тарғибот ишларини кучайтириш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш – жамият барқарорлиги ва фуқаролар фаровонлигини кафолатловчи муҳим омилдир. Жамоат хавфсизлиги департаментининг мазкур йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш, замонавий технологиялардан фойдаланиш, тизимли ёндашувни жорий этиш ҳамда аҳоли билан ҳамкорликни кучайтириш орқали самарадорликни ошириш мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида янги инновацион ёндашувлар, жамоатчилик назоратини кенгайтириш ва профилактика тадбирларининг тизимли амалга оширилиши ҳуқуқ-тартибот органларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва масъулиятини оширишга, жамиятда қонунийлик ва тартибни мустаҳкамлашга замин яратади.

Шу боис жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги долзарб муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, илғор халқаро тажрибаларни ўрганиш ва миллий хусусиятларга мос ҳолда жорий этиш орқали тизимли янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Фақат шундагина қонун устуворлиги ва барқарор жамият сари интилишда муваффақиятга эришиш мумкин..

#### **Фойданилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
3. Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 йилдаги "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги 407-сонли қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ5005-сонли Фармони \ \ URL: [https:// lex.uz/docs/6396146](https://lex.uz/docs/6396146) 02.03.2023
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлин-малари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли Қарори \ \ URL: <https://lex.uz/ru/docs/3175732> 06.02.2024.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 мартдаги « Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли Фармони \ \ URL: <https://lex.uz/docs/5344118>.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелда қабул қилинган «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги ПҚ-5050-сонли Қарори \ \ URL: <https://lex.uz/ru/docs/5353841> 24.05.2023
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.02.2023 йилдаги ПФ-27-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2023 й
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзмёев Одамларнинг бунёдкорона меҳнатини қадрлаб, уларга муносиб турмуш шароити яратиш – энг муҳим вазифамиздир // Халқ сўзи. – 2017. – 18 нояб.
12. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам. "профилактика инспекторининг тарбияси оғир бўлган вояга етмаганлар билан ишлаш фаолиятини ташкил этиш бўйича илғор хорижий давлатлар тажрибаси." Eurasian Journal of Academic Research 4.4-1 (2024): 95-100..